BUXORO VILOYATI PESHKU TUMANI HOKIMINING
QARORI

201200, Peshku tumani, Amir Temur ko'chasi, 3-uy. Tel: (65) 35-31- 6-31, faks: (65) 35-31-570, peshku.t@exat.uz

2022 - yil 9 - dekabr 621-2-39-Q/22 Peshku tumani hokimligi

Тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинлари, фермер хўжаликлари, корхона, ташкилот, муассаса, хусусий корхоналарда ҳарбий хизматга мажбур фуқаро ва чақирилувчиларнинг ҳарбий ҳисобини юритишга оид ишлар ҳолатини текшириш тўғрисида

Туманда Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 мартдаги 119-сонли «Ҳарбий ҳисобни юритиш тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳарбий ҳисобини юритишни ташкил қилиш ва олиб бориш тартиби бўйича қўлланма талабларини бажариш, резерв ва захирадаги офицерлар, сержант ва солдатлар ҳамда чақирилувчиларнинг ҳарбий ҳисобини юритиш, маҳалла фуқаролар йиғинлари, фермер хўжаликлари, корхона, ташкилот, муассаса, мулкчилик шаклидан қатъий назар хусусий корхоналарда ҳарбий хизматга мажбур фуқаро ва чақирилувчиларнинг ҳарбий ҳисобини юритишга оид ишлар ҳолатини янада яхшилаш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман мудофаа ишлари бўлими маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ташкилот, корхона, муассаса, хусусий корхоналар, фермер хўжаликлари, фирмалар раҳбарлари билан биргаликда ҳарбий ҳисоб ва бронлаш ишларига алоҳида эътибор қаратиб, белгиланган режага асосан ҳарбий ҳисоб ва бронлаш ишларини олиб борилишини текшириб, натижалари қайд этилган далолатномалар нусхасини туман ҳокимлигига тақдим этиб борсин.

2. Тумандаги барча корхона, ташкилот, ўқув муассасалари, хусусий

корхоналар, фермер хўжаликлари, фирмалар раҳбарлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини раислари ҳарбий ҳисобни юритиш ва зирхлаш ишлари учун маъсул ходим тайинлаб, уларни мудофаа ишлари бўлими билан узлуксиз алоқада бўлишини, талаб этилган маълумот, ҳисоботларни тақдим этишини ва машғулотларга иштирок этишини таъминласин.

3. Барча ташкилот, корхона, ўқув муассасалари, хусусий ва қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари раҳбарларига қўл остида ишлаётган 18 ёшдан 45 ёшгача бўлган ҳарбийга мажбурларнинг ҳарбий билетларини янги нусхадаги “Ҳарбий гувоҳнома”га алмаштирилишини таъминлаш юклатилсин.

4. Туман Мудофаа ишлари бўлими (Д.Мухторов)га мудофаа ишлари бўлимига ҳарбий ҳисобга олиш ва ҳарбий ҳисобдан чиқариш фақат янги нусхадаги “Ҳарбий гувоҳнома” асосида амалга ошириш юклатилсин.

5. Туман ички ишлар бўлими (А.Носиров)га туман фуқароларининг фуқаролик паспортларини олиши, алмаштириши, хорижга чиқиш ва кириши, фуқаролик паспортларини ҳисобга олиш ва чиқаришни фақат янги нусхадаги “Ҳарбий гувоҳнома”га асосан амалга ошириш юклатилсин.

6. Туман ҳудудида жойлашган барча ташкилот, корхона, ўқув муассасалари, хусусий ва қўшма корхоналар, фермер хўжаликлари, маҳалла фуқаролар йиғини раисларига кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, мудофаа ишлари бўлимига янги нусхадаги “Ҳарбий гувоҳнома”га собиқ иттифоқ ҳарбий билетларини ҳамда 1996 йилгача берилган ҳарбий гувоҳномаларини алмаштиришда яқиндан ёрдам бериш учун алоҳида техник ишчи ходим ажратиш юклатилсин.

7. “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси туман телекоммуникация боғламаси (У.Очилов)га туман мудофаа ишлари бўлимида жанговор ва сафарбарлик тайёргарлигини ошириш мақсадида туман мудофаа ишлари бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари ўртасида ўз ҳисобларидан узлуксиз телефон алоқаси ўрнатилишини таъминласин.

8. Ушбу қарорнинг назорати туман ҳокимининг ўринбосари А.Ражабов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **В.Қаххоров**